



O'ZBEKISTON OVOZI

● 2015-yil, 28-noyabr. Shanba ● 139 (32.042)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

26 ноябрь куни халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов нутқ сўзлади.

Бугун мана шу қадимий ва гўзал Наманган заминидан сиз, азизларни соғ-омон, яхши кайфиятда кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни билдириб, барчангизга, сизлар орқали бутун Наманган ахлига юксак ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида.

Наманган деганда, кўз олдимизда аввало баланд Чотқол ва Қурама тоғларига туташиб кетган ям-яшил қир-адирлар, бепоён далалар, бог-роғлардан иборат сўлим бир диёр намоеён бўлади.

Бу заминнинг ранг-баранг табиати, турли бойликлари, қўхна тарихи ва маданияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин Наманганни ҳақиқий Наманган қилган унинг кўпни кўрган, меҳнаткаш ва пок ниятли халқи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Наманган ахли ўзининг бошқаларга ўхшамайдиган, бетакрор аёнана ва қадриятлари билан азалдан шўхрат қозониб келади. Бу элга мансуб бўлган хислатлар — инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, хушмуомалалик каби аjoyиб фазилатларни ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак баҳолаймиз, деди Ўртбошимиз ва кўйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Шахсан мен Наманган заминига ҳар сафар келганимда уни янгитдан кашф этгандек бўламан. Сизлар билан шу йилнинг ўзидики марта — дастлаб март ойида, Президент сайлови арафасида ва яқинда, сентябрь ойида бўлган учрашувларимизни, бугунги ҳаётимиз, келажақ режаларимиз, олдимизда турган вазифалар тўғрисида, фарзандларимиз тарбияси, дунёда юз бераётган воқеа-ходисалар ва уларга бизнинг муносабатимиз ҳақида мазмунли суҳбатлар қурганимизни ҳозир ҳам мамнуният билан эслайман.

Наманганнинг қадимий қиёфаси, асрий обидаларини оладиган бўлсак, буларнинг барчаси бу юртининг бой ва қўхна ўтмишига эга эканини яққол тасдиқлайди. Бу заминдаги Муқалла ва Ахикент каби археологик ёдгорликлар, Наманган, Чортоқ, Чуст ва Учқўрғон шаҳарларидаги тарихий обидалар, бундан икки минг йиллар аввал пишиқ гиштдан бунёд этилган Косон — Ахикент ер ости сув тармоғи аждодларимизнинг улкан ақл-заковати, юксак маданиятидан далолат беради.

Бу диёрдан етишиб чиққан Бобораҳим Машраб, Нодим Намангоний, Ибрат, Чустий, Ҳабиб Саъдулла каби шоир ва аломалар бутун халқимизнинг фахру ифтихори ҳисобланади.

Бугунги кунда сизларнинг орангизда «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвон билан тақдирланган инсонлар, ўз касбининг

устаси бўлган минглаб фидойи одамлар, эл-юртимиз ўртасида катта обрў-этибор қозонган олимлар, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат намояндлари, мохир спортчилар Ватанимиз шўхратига шўхрат қўшиб келмоқда, деди Ислоом Каримов.

Халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигини, миллий урф-одат ва анъаналаримизни энг оғир замонларда ҳам асраб-авайлаб, келгуси авлодларга безавол етказишда Наманганга тенг келадиган ўлка ўзи камдан-кам топилади, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан. Шу боис Наманганнинг бой тарихини, бу заминда камол топган улғу зотларнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини, бу юрт билан боглиқ муҳим саналарни янада чуқур ўрганиш, уларни муносиб нишонлаш учун кенг қўламдаги илмий изланишларни амалга ошириш барчамизнинг бурчимиздир. Бу масала бўйича тегишли вазирлик ва идоралар ўз тақлифларини ҳукуматимизга қиритиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Бугунги учрашувимизнинг асосий мақсади, деб сўзини давом эттирди Президентимиз, Наманган вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида амалга оширишда ишларимизни танқидий баҳолаб, қўлга киритилган ютуқ ва марралар билан бирга мавжуд муаммоларни ечиш, қисқа қилиб айтганда бўлсак, барчамизни ўйлантириб, ташвишга солаётган долзарб масалалар ҳақида сиз, ҳурматли депутат ва фаоллар билан атрофлича масалалашиб олиш, тегишли ҳулосалар чиқаришдан иборат.

Мажлисида кун тартибидagi асосий масалага ўтишдан олдин Наманган вилоятидаги бугунги аҳвол, турли соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган муҳим ўзгаришлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Наманган вилояти, бутун юртимиз қатори, сўнгги йилларда катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида кўп-кўп рақам ва мисолларни олиб келиш мумкин.

Агар фақатгина жорий йилнинг 9 ойлик якунларини таҳлил қиладиган бўлсак, ялпи ҳудудий маҳсулот 9 фоиз, саноат 17 фоиз, қишлоқ ҳўжалиғи 5 фоиздан зиёд, қурилиш ишлари қарийб 12 фоиз, чакана ва пуллик хизматлар 13 фоиздан ортқ ўсгани албатта эътиборга лойиқ.

Айтиш жоизки, Наманган вилоятини ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ривожлантириш масаласи давлатимиз, ҳукуматимизнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, 2009 йили қабул қилинган, Наманган шаҳрининг меъморий қиёфасини тубдан яхшилаш, иж-

тимоий инфратузилма ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва шу асосда шаҳар аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган дастур доирасида бажарган улкан ишларимиз барчангизга яхши маълум, деб ўйлайман, деди Ислоом Каримов. Ушбу дастурга мувофиқ 140 га яқин янги объектлар ишга туширилиб, барча манбалар ҳисобидан қарийб 325 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Энг муҳими, бундай кенг қўламда бўлмайдиган гўзал қиёфа ва чирой касб этганининг асосий ижодкорлари аввало Наманган халқи, Наманган жамоатчилиғидир.

Айни шундай жонкуяр инсонларнинг ҳаракати ва астойдил меҳнати эвазига Наманганда амалга оширилган улкан янгиланиш ва ижобий ўзгаришлар юртимиз тарихида ҳақиқатан ҳам чуқур из қолдириб, келажак авлодларимиз қалбида миннатдорлик туйғулларини уйғотди, албатта.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, ана шу ишларга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга чин юракдан миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман, деди Ўртбошимиз. Сессияда Наманган вилоятида ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ ва марралар қаторида кўпгина йўналишларда, соҳа ва тармоқларда камчиликлар, айтиш мумкинки, оқсоқлик ҳолатлари мавжуд экани қайд этилиб, уларнинг сабаблари кенг таҳлил этилди.

Вилоят аҳолисининг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизнинг йўлини очиб бериш, вилоят ва туманларда бошқарув ишларининг самарасини ошириш нуқтаи назаридан кўзга ташланган нуксонлар, ҳулоса чиқарадиган масалалар ҳақида очик фикр алмашиб олинди.

Айни вақтда вилоятда мавжуд бўлган жуда катта имкониятлар ишга солинмаётгани, энг ташвишли томони — кўп йўналишлар бўйича Наманган бошқа вилоятлардан орқада қолаётганини кўриб, афсусланишга тўлиқ асослар борлиғи айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида вилоятда охириги йилларда иқтисодий ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши натижасида субвенция, яъни марказ бюджетидан ёрдам улуши қамалган бўлса-да, унинг ҳажми ҳалигача юқори даражада сақла-

ниб қолаётганига алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда маҳаллий харажатларнинг 41 фоизи мамлакатимиз бюджетини ҳисобидан қопланиб қолаётгани ҳам бу фикрнинг тасдиқлайди. Энг ачинарлиси, вилоятдаги 11 та тумандан 10 тасида бу кўрсаткич 60 фоиздан ошиб кетган. Айниқса, Косонсой, Тўрақўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон туманларида бу масала ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳолбуки, Наманганда ҳали ишга солинмаган шундай беҳисоб имкониятлар борлигини инobatга оладиган бўлсак, ўзингиз айтинг, бундай ҳолат сизларга ярашадими, деб таъкидлади Ўртбошимиз.

Мажлисида вилоятда маъмурий-ҳудудий тузилиш масаласида юзага келган жиддий муаммолар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Баъзи жойларда қаерда шаҳар, қаерда туман бошла-надию қаерда тугашини аниқ билиб бўлмайди. Бу борада, айниқса, Наманган тумани ва Наманган шаҳрининг маъмурий чегарасини қайтадан кўриб чиқиш талаб этилади.

Амалдаги чегаралар шундай ўтказилганки, шаҳарнинг ривожланиши учун захира ерлар назарда тутилмаган ва бунинг оқибатида туман ва шаҳарнинг ерлари туташиб кетган. Энг ёмони, шаҳар ва туманлар раҳбарларининг ҳудудларни ривожлантириш масаласидаги масъулияти ва жавобгарлиғи аниқ эмас. Бу масалани атрофлича кўриб чиқиб, унинг амалий ечимини топишимиз керак.

Мен сентябрь ойида Уйчи, Мингбулоқ, Тўрақўрғон туманларида бўлиб, вилоят раҳбарияти томонидан кўпгина соҳаларда оқсоқликка йўл қўйилганига, айни вақтда мамлакатимиз ҳукумати-нинг ҳам Наманганга эътибори бирмунча сусайиб қолганига ишонч ҳосил қилдим, деди Ислоом Каримов.

Юзага келган бундай аҳволнинг сабаблари ҳақида гапирганда, аввало, вилоятда стратегик аҳамиятга эга бўлган, ташқи бозорга маҳсулот чиқарадиган йирик саноат корхоналарини қуриш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганини таъкидлаш керак. Буни кейинги йилларда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсуло-тида саноатнинг улуши атиги 11 фоизга яқини ташкил этаётгани ҳам исботлаб турибди. Ҳолбуки, мамлакатимиз микросида бу рақам икки баробардан зиёд кўп бўлиб, 25 фоиздан иборат. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Наманган вилоятининг мамлакатимиз саноатидаги улуши жуда паст даражада — бор-йўғи 2,7 фоиз бўлиб қолмоқда. Бу албатта ҳеч кимни қониқтирмайди.

▶ Давоми 2-бетда.



Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳо-фазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий ро-зилиғи ва тенг ҳуқуқлилигига асос-ланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси.

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Давлат бюджетининг жорий йил 9 ойлик ижроси кўриб чиқилди

■ Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойлик якунлари ижроси тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.



Таъкидландики, Давлат бюджетда ижтимоий соҳа-ни қўллаб-қувватлаш, аҳо-лининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоя-сини таъминлашга қаратил-ган маблағлар ҳажми йил-дан-йилга ошиб бормоқда. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар-нинг ижтимоий йўнал-тирилганлиги кучаяётгани-дан далолат беради.

▶ Давоми 3-бетда.

■ ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Юзма-юз мулоқот

Унда муҳим ижтимоий масалаларда кўллаб таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари қонунчиликда белгиланган тартибда ўз сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб қайтди.

Андижон вилоятидаги 11-Бўз сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов

Шаҳрихон, Бўз ва Улуғнор туманларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

▶ Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Х.Х.БОЗОРОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенга-шининг қарорига мувофиқ:

Хайрулло Ҳайитбоевич Бозоров Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2015 йил 26 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б.Т.ЮСУПОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Баҳодир Турсунович Юсупов Наманган вилояти ҳокими лавози-мидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2015 йил 26 ноябрь



ЎзХДП фракцияси аъзолари

сайлов округларида учрашувлар ўтказмоқда



■ Жиззах вилоятидаги бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти қандай йўлга қўйилган?

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



Давлат бюджетининг жорий йил 9 ойлик ижроси кўриб чиқилди

■ Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, 2015 йилнинг 9 ойлик якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,0 фоизни ташкил этди, шунингдек, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 15 фоиз, хизматлар ҳажми эса 12,9 фоиз ўсишига эришилди.

— Давлат бюджетининг харажат қисмида асосий эътибор таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратилганлиги Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларига мос келади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов**. — «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига асосан нуроний кишиларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича бюджет ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан қилинаётган кенг қўламли ишлар ҳам бевоcита партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг.

Айтиш керакки, жорий йил май ойидан бошлаб, 100 ёшга тўлган шахсларнинг пенсиясига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қўшимча белгиланиши, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийлари учун коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига белгиланган ҳар ойлик компенсацияларнинг кўпайтирилиши кексаларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодаси ҳисобланади.

Муҳокама қилинган чегара аъзолари ҳисобот даврида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилганини қайд этишди. Ушбу масала юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари билан мулоқотлар олиштирилди.

Қизгин кенгаш мунозараларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда бюджет ижроси маданиятини кўчатириш бўйича қатор амалий тақлифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари 2010 йилда 55376 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 9 ойида 153957 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу ижтимоий соҳа харажатлари 2010 йилга нисбатан бу йил қарийб 2,7 баробар ошганлигини аниқлатади.

Кун тартибидидаги масала бўйича фракциянинг позицияси белгилаб олинди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

◀ Давлат. Бошланиш 1-бетда.

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Унда муҳим ижтимоий масалаларда кўплаб тақлиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди

Шаҳрихон шаҳридаги Биринчи кўп тармокли марказий поликлиника ходимлари билан мулоқот чоғида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилган хусусида сўз юритилди.

— Поликлиникамиз мукамал таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, аҳоли ва тиббиёт ходимларига қўлайликлар яратилди, — дейди **поликлиника Бош шифокори Маърифжон Ибрагимов**. — Депутатимиз билан кўришиб, парламентдаги қонун ижодкорлиги жараёнидан хабардор бўлдик. Кўнглимиздаги фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билан ўртоқлашдик.

Депутат Шаҳрихондаги 15-махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари шароити билан яқиндан танишди. Ўқитувчилар, тарбиячилар билан суҳбатлашди. Давлатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, партиямиз, депутатлар томонидан ижтимоий ҳимояни кўчатиришни кўзлаб ўтказиладиган тадбирлар, турли лойиҳалар ҳақида сўз юритди.

Шаҳрихон қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежидидаги ўқувчилар, ўқитувчилар қаторида Пахталикўл маҳалласида истикомат қилувчи отахон-онахонлар ҳам келишди.

Коллеж ўқувчиси Шаҳноза Раимова парламентда айни пайтда муҳокамада бўлган қонун лойиҳалари билан қизиқди. Меҳнат-фахрийси Соҳиба Алиматова бандлик, ёшларни иш билан таъминлаш борасида масъулиятни ошириш зарурлиги ҳақида фикр билдирди.

Бўз туманида сайловчилар билан учрашувлар ҳам қизгин кечди. Уларда турли соҳа вакиллари иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

— Маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан қонунчилик палатасидаги партиядош депутатларнинг алоқаси мустақамлашиб борапти, — деди **«Яккатоли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари Бўз туман Кенгаши депутати Зоҳидилло Жўраев**. — Сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишда бу ҳамкорлик жуда кўл келмоқда. Маҳалламиз ҳудудидан болалар боғчаси қурилиши масаласи тегишли дастурга киритилишида депутатларнинг жонкуярлиги асқотди.

— Замонавий мактаблар қуриладигани, фарзандларимиз билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилаётган шароитдан жуда мамнунмиз, — деди **халқ таълими муассасалари фахрийлиги методик таъминлаш ва ташкил этиш, Бўз тумани бўлими мудири, ЎзХДП фаоли Шавкатбек Мамаризаев**.

Депутат сайловчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Кўқон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 9-оилавий поликлиникада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати билан учрашув бўлади, деб сайловчиларга бир неча кун аввал хабар қилинди. Шу кун юздан зиёд аҳоли вакиллари йиғилди. Парламентдаги **Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Нўмонжон Акбаров** учрашув жойига анча беравқат етиб келди.

Учрашув сайловчилар билан самимий суҳбатдан бошланди,

◀ Давлат. Бошланиш 1-бетда.

ижтимоий-иқтисодий мавзуларда қизгин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Сайловчилар нафақат ижтимоий-маиший масалалар, шу билан бирга, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати, тинчликни асрашга қаратилган чора-тадбирлар, бунёдкорлик ишларининг истиқболли режалари, давлат бюджети кўрсаткичлари билан ҳам қизиқишди.

Учрашувда дастлаб мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар, бунёдкорлик ишлари

бўлишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Депутат билан сайловчилар учрашувлари янада мазмунли, янада самарали ўтишида бу долзарб аҳамиятга эга.

— Партиямизнинг маҳаллий ташкилотлари билан алоқаларимизни янада мустақамлаштимиз кераклигини аниқладим, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Авазбек Ўринбоев**. — Айниқса, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти



ҳақида тўхталиб ўтилди. Тиббиётга оид қонун ва қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ва унинг афзалликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Учрашувда сўзга чиққан **ЎзХДП** фаоллари, электротармоқ аъзолари қатор долзарб масалаларда тақлифларини айтишди, депутатни янада ташаббускор бўлишга ундашди.

Шу каби учрашувлар **Бувайда туманида депутат Авазбек Ўринбоев, Марғилон шаҳрида депутат Бунёд Эшонқулов** билан ҳам бўлиб ўтди. Марғилон миллий хунармандчилик коллежидан бўлган мулоқотлар чоғида Хилола Маматова автомобиль сотиб олиш учун кредит тартиби тўғрисида, Холниса Тожиева электр таъминотини яхшилаш, Муаззам Мирзаахмедова коллеж ўқув биносини реконструкция қилиш масаласини тегишли дастурга киритиш ҳақида гапиришди. Учрашувда коллеж битирувчилари меҳнат қонунчилиги, ишга жойлаштириш учун яратилган имкониятлар тўғрисида сўрашди.

Марғилон шаҳри «Ўзунқову» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ўқувчи сайловчилар фаол иштирок этди. Улар депутат Бунёд Эшонқулов ахборотини тинглаб, бирин-кетин сўзга чиқиб, ўзлари яшаётган маҳаллада юзга келадиган муаммолар ҳақида гапиришди.

Сайловчилар билан учрашувлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига кўпроқ қайси масалаларда қатъиятли ва ташаббускор бўлиш зарурлиги ҳақида хулосалар чиқариш, келгуси режаларни белгилаш имконини берди. Депутатлар билан учрашувларда иштирок этган, кузатишларимиз натижасида айрим мулоҳазаларни билдиришни ҳам лозим кўрдик.

Вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларимиз депутатлар билан учрашувларга сайловчилар, электротармоқ вакиллари, партия фаолларини ҳам тайёрлаш масаласига эътибор қаратиши муҳимдир. Бугун парламент фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар моҳияти, депутат ва сайловчи ҳуқуқлари, дунёда рўй бераётган воқеалар ҳақида ҳар биримиз кенг тушунчага эга

булишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Депутат билан сайловчилар учрашувлари янада мазмунли, янада самарали ўтишида бу долзарб аҳамиятга эга.

— Ростики айтсам, парламентдаги депутатларимизни ҳамиша орзиқиб кутамиз, — дейди **Ўзбекистон ХДП Деҳқон-обод туман кенгаши раиси**

қонунларимиз моҳиятини гапириб берди. 2016 йилги Давлат бюджети харажатларининг катта қисми ижтимоий соҳага йўналтирилганини, бунда таълим сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Тиббиёт коллежидан бўлиб ўтган учрашувда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун шарҳи ёшларни жуда қизиқтирди. Бу бўйича йигит-қизлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб

қонунларимиз моҳиятини гапириб берди. 2016 йилги Давлат бюджети харажатларининг катта қисми ижтимоий соҳага йўналтирилганини, бунда таълим сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Тиббиёт коллежидан бўлиб ўтган учрашувда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун шарҳи ёшларни жуда қизиқтирди. Бу бўйича йигит-қизлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб

қонунларимиз моҳиятини гапириб берди. 2016 йилги Давлат бюджети харажатларининг катта қисми ижтимоий соҳага йўналтирилганини, бунда таълим сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

— Депутатни жуда яхши таниймиз, — дейди **партиямиз фаоли Роза Холманова**. — Учрашув менда катта таассурот

БУГУН ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ, ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАР МОҲИАТИ, ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ ҲУҚУҚЛАРИ, ДУНЁДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА ҲАР БИРИМИЗ КЕНГ ТУШУНЧАГА ЭГА БЎЛИШИМИЗНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.

Ашур Норбоев. — Туманимиз жадал тараққиёт йўлига тушиб олди, темир йўл, калийли ўғитлар заводи ва ўнлаб истиқболли кичик корхоналар иқтисодиётга барака киритмоқда. Бирок тоғли ҳудуд бўлгани учун айрим қийинчилик ва муаммоларимиз ҳам бор. Шуларни барча депутатларимиз иштирокида ҳал қилсак, ҳамкорликда ишласак, дейман-да...

122-Ғузор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каронова сайловчининг мулоҳазаларига тўла қўшилди.

Депутат сайловчилар билан учрашувга келганда ҳеч қачон бирон масала ечимини четлаб ўтишга ҳаракат қилмайди. Бу сафар ҳам депутатимизнинг учрашувлари Деҳқонобод туманида қизгин, ўзаро мулоқот, савол-жавоблар билан ўтди.

Комила Каронова Транспорт касб-хунар коллежидан ёшларга оид давлат сиёсати акс этган

қолдирди. Ўзим учун кўплаб маълумотларга эга бўлдим, қонунлар бўйича керакли тушунчалар олдим. Шу ўринда бир тақлифим бор эди. Электротармоқ манфаатларини ҳимоя қилишда партияимизнинг барча даражадаги депутатлари ҳамкорлигини қўчатиришга, яхши бўлади, деб ўйлайман. Агар улар ўртасида алоқалар мустақамланса, қишлоқ ва маҳаллаларда учраётган масалалар самарали ҳал этилади, деб ўйлайман.

— Ҳақ гапни айтдингиз, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каронова**. — Масалан, Ўзбекистон ХДП Ғузор туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига кўплаб фуқаролар мурожаат қилишмоқда. Мен ҳам 11 нафар фуқарони қабул қилдим. Ёшларга меҳнатга оид ҳуқуқларини тушунтирдим. Ва шуни аниқладимки, жойларда бандлик дастурини тўла амалга ошириш борасида партияимиз фаоллари,

депутатларимиз, ўзимиз ҳали кўп меҳнат қилишимиз керак. Бунда партия кенгашлари ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни қўчатириш яхши самара беради, албатта.

49-Янгиқўрғон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев сайловчилар билан учрашувлари давомида мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, қабул қилинган қонунлар, парламентда муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари ҳақида сайловчиларга батафсил маълумот берди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида 13 қонун қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди, — дейди **депутат**. — Парламент кўйи палатаси томонидан биринчи ўқишда 42, иккинчи ўқишда 33 қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, муҳокамадан ўтказилди.

Депутатнинг Янгиқўрғон тумани Нанай қишлоғидаги 18, 35-умумтаълим мактаблари, Заркент қишлоғидаги касб-хунар коллежидан бўлиб ўтган учрашувларида янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги, «Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»ги қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

42-Косонсой сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Собитхон Турғунов сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларини сайлов округи ҳудудидидаги иқтисодиёт коллежидан бошлади.

2016 йил учун мўлжалланган бандлик дастурининг ўзига хос жиҳатлари, такомиллаштирилган механизмлари хусусидаги маълумотлар сайловчилар учун қизиқарли бўлди.

Обод, Навбахор-1 маҳаллаларидаги ўқувчиларни сайловчилар парламент назорати, жамоатчилик назоратининг қамрови қандай бўлиши ҳақида депутатга саволлар билан мурожаат қилиб, жавоб олишди.

Бу галги учрашувларни кузатиб биз ҳам бир нарсга амин бўлдик. Депутатларнинг сайловчилар билан учрашув-мулоқотлари эндиликда анча самимий руҳда ўтмоқда, мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда. Чунки энди сайловчилар депутатни эшитиш билан чекланмаётир. Қонунлар ижросидан тортиб, ижтимоий-иқтисодий дастурларга қарата фикр ва муносабатларини билдиришмоқда.

Депутатлар учрашувлар чоғида партия Сайловчи дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил ахборот беришди. ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан парламент кўйи палатасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ахбороти эшитилгани, 2016 йил учун мўлжалланган бандлик дастури ана шу эшитув натижасида янада такомиллашгани таъкидланди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ, Мухаммаджон ОБИДОВ, Юнус УЗОКОВ, Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари.



■ ШУ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА 7 ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲИ ТОМОНИДАН КИРИТИЛГАН БЎЛСА, ШУЛАРДАН 6 ТАСИДА ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ИШТИРОК ЭТГАН.



■ 2016 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИГА КЎРА, ҚОРҲОНАЛАР (ИШ БЕРУВЧИЛАР), БИТИРУВЧИЛАР ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ТЎЛИҚ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ.

ТЎҒРИ МАСЛАҲАТЛАР

Мол-мулкка тақиқ қўйиш жараёни қандай кечади?

■ Баъзан машина ёки уй-жой олди-сотди шартномаси тузишда нотариус томонидан харид қилинаётган мол-мулкка тақиқ қўйилган ёки қўйилмагани суриштирилади. Бу ҳақда маълумотнома ҳам талаб қилинади.

Аслида қандай ҳолларда кўчмас мулкка тақиқ қўйилади? У қачон олиб ташланади? Ушбу саволлар билан Пастдарғом туманидаги 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Мадина Набиевага мурожаат қилдик.

— Кўчмас мулкка тақиқ қўйиш икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида тузилган қарз шартномасида белгиланган мажбуриятлар ижросини таъминлаш мақсадида қўйилган гаров билан боғлиқ, — дейди у. — Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги гаров муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 264 ва 289-моддалари, «Гаров тўғрисида»ги қонун ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Уй жойини (унинг муайян қисмини), дала ҳовли, квартира, гараж ва бошқаларни гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар нотариал тартибда тасдиқланиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 44-моддасига кўра, бундай битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда расмийлаштирилади. Яъни гаров шартномаси нотариуснинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, гаров шартномасини расмийлаштириш мураккаб нотариал ҳаракатлардан бири ҳисобланади. Бу жараёнда ипотекага қўйилган мулк ҳақиқатан ҳам

ипотекага қўйувчи шахсга тегишли эканлиги, уни ўзга шахсга ўтказиш тақиқланмагани ва хатланмагани, бошқа жойда ипотекага қўйилган-қўйилмагани, қарздорлик йўқлиги, ипотекага олувчи ва ипотекага қўйувчи юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқатлари, жисмоний шахслар шахси ва уларнинг вакиллари ваколати текширилади.

Бунда гаров шартномаларини тасдиқлаш вақтида мазкур қўйилган мулк жойлашган ҳудуддаги давлат нотариал идораси нотариуси кўчмас мулкка нисбатан тақиқ қўйиш ва бу ҳақда «Ер-одеказдастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлимига хабарнома юборади. Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга нотариус томонидан тақиқ қўйилгани ҳақида белги қўйилади. Гаровга қўйилган мулкни бошқага ўтказиш муқаррар равишда тақиқланади, у вақтинча олди-сотди, алмаштириш, ҳадя ва гаровга олувчининг розилигисиз ижара предмети бўла олмайди.

Томонлар бир-бирининг олдидаги мажбуриятини тўла бажарганидан кейин қарз берувчи иккинчи тарафга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини нотариусга ёзма равишда маълум қилади. Шундан сўнг гаровга қўйилган мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш чораси олиб ташланади.

Шахбоз САИДОВ,
ёзиб олди.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

«Шундай юртда яшаётганимдан бахтиёрман»



Муҳимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

■ Яқин-яқингача мураккаб жарроҳлик амалиётига муҳтож кишилар сарсон-саргардон бўлиб, хорижга борарди. Бугун эса нафақат пойтахтимизда балки Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида ҳам аҳолига жаҳон талабларига мос малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Яқинда Фарғона вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида туғма юрак нуқсонини бор икки нафар болада илк марта жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Ушбу масъулиятли вазифани вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази кардиохирургии Жавлон Мўйдинов, жарроҳлик бўлими мудири Иброҳим Умаров, тиббиёт фанлари номзодлари — Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси кардиохирургии Абдуносир

Тўғунов ва Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази анестезиолог-реаниматологи Санжар Омоновлар адо этишди.

...Фурқат тумани Томоша қишлоғида яшовчи Мирзахўжа Ниёзхўжаев 1999 йилда туғилган. У ҳансираш, юракнинг тез-тез уриши, ҳолсизлик каби шикоятлар билан шифохонага ётқизилган.

...Қўштепалик Икромжон Иброҳимов эса уч ёшда. У ҳам туғма артериаль проток

ташхиси билан диспансер назоратига олинган. Шифокорлар ҳар икки беморга туғма юрак нуқсонини — очик артериаль протокни боғлаб қўйиш операциясини муваффақиятли амалга оширдилар.

— Ўғлимни юрагини операция қилган Иброҳимжон Умаров ва барча шифокорлардан бир умр миннатдорман, — дейди Дилрабохон Фозилова. — Инсон қадр-қиммати, она ва бола саломатлиги эъзозланганидан шундай юртда яшаётганимдан бахтиёрман.

Халқимиз дардида дармон бўлаётган фидойи тиббиёт ходимлари меҳнати давлатимиз томонидан юксак қадрланиб келинмоқда. Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида Президентимиз фармонида кўра, Фарғона вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази болалар жарроҳлик бўлими мудири Иброҳим Умаров «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида «Соғлом она — соғлом бола» дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида бир қатор хайрли ишлар қилинди. Жумладан, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази замонавий бинога эга бўлди. Шунингдек, бу даргоҳда янги даволаш корпуси фойдаланишга топширилди. Марказ фаолияти кенгайиб, жарроҳлик, реанимация, ортопедия, пульмонология, гастроэнтерология, кардиоревматология, неврология бўлимлари фаолияти яхшиланиб, офтальмология ва урология бўлимлари янгидан иш бошлади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2015 йил 29 декабрь соат 11:00 да ўтказилаётган очик аукцион савдога «Гулшан маданият ва истироҳат бони» ҳисобидида қўйилган автотранспорт воситалари қўйилган: 1988 йилда и/ч «КО-713-01» р-ли, д/р 01/451LBA, бошланғич баҳоси — 15 533 472 сўм; 1999 йилда и/ч «КО-4404» р-ли, д/р 01/457LBA, бошланғич баҳоси — 18 964 405 сўм; 1985 йилда и/ч «УН-053» р-ли юк кўтариш махсус машинаси, бошланғич баҳоси — 9 965 544 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар закалат пули тўғрисидаги қелишувни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиз миқдоридида закалат пулини тўлашлари керак. Аукцион қилини томонидан мулкни сотиб олиш ҳақсиздан ташқари савдо ташқи-лотчисида сотув нархининг 2 фоизи миқдоридида комиссияни йигим тўланади.

Савдолар «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Ушбу мулклар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2016 йил 12, 19, 26 январь ва ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион қилини савдо ўтган кундан бошлаб 20 (ишгирма) кун ичида «Сотувчи» билан олди-сотди шартномасини тузди.

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошлангичидан бир кун олдин соат 11:00 да тўхта-талади. Талабгорлар закалат пулини «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг АТБ «InfiniBANK» банкдаги МБО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қўйилган ҳужжатларни топширишлари керак; жисмоний (юридик) шахс-ни тасдиқловчи ва закалат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжатлари, ваколатли шахс қатнашганда — ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури, 1-тор кўчаси, 6-й. Тел: (0-595) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2015 йил 12 ноябрь кунини ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси балансидаги д/р 01/354KCA бўлган «Нексия» — 27 000 000 сўмга; «O'ZBEKSIRK» республика бирлашмаси балансидаги д/р 01/107QCA бўлган «ГБА СПГ Нексия» — 4 500 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

РЕКЛАМА

Visa Electron barchaga manzur karta



IPAK YOLI BANKI

140 69 00 / 120 00 09

xizmatlar litsenziyalangan

ОБ-ҲАВО 28.29.11 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
-2 / -7	+2 / +7
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+8 / +13	+2 / +7
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
0 / +5	+8 / +13
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+3 / +8	+80 / +13
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+2 / +7	+6 / +11
Тошкент шаҳри	
+2 / +4	+8 / +10
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+10 / +10
Париж	+9 / +13
Москва	-2 / -2
Мадрид	+16 / +14
Пекин	+1 / +4
Канберра	+26 / +28
Рим	+13 / +14
Афина	+18 / +18
Токио	+16 / +14
Стокгольм	+6 / +5
Кейптаун	+30 / +31
Қоҳира	+28 / +26
Гавана	+27 / +27
Вашингтон	+20 / +13

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонаси (БТИ) томонидан Маннонова Нилуфар Фуломжоновга тегишли Юнусобод тумани 2-мавзе 21-уй 17-хонадоннинг уй плани, кадастр ҳужжатлари (гувоҳнома TS №0667850) йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
10499
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.55
Topshirilgan vaqti — 22.00


Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 5 6